



**“ТАСДИКЛАЙМАН”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
ректори**

Р.Р.Ҳакимов

“ 22 ” // 2017 й.

“Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура)” интерактив хизматининг регламенти

1. Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат номланиши.

Қисқа номи: Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура).

Кенгайтирилган номи: Тошкент архитектура қурилиш институтининг (кейинги ўринларда ТАҚИ) расмий веб-сайти орқали “Олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириш истагини билдирган абитуриентлар аризасини электрон шаклда қабул қилиш (магистратура)”

1.2. Хизмат натижаси.

Аризачини ТАҚИнинг магиструрага кириш учун ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 393-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

Олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичини тамомлаган талабалар.

1.6. Ариза бериш муддатлари.

Талабалардан аризалар қабул қилиш белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин) амалга оширилади.

1.7. Бажарилиш муддатлари.

Магистратурага кириш учун топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар келиб тушган пайтдан бошлаб 1-3 иш куни ичида кўриб чиқилиб, жавоб берилади.

Мурожаат дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда, уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, муурожаатларини кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- танланган олий таълим муассасасидаги турдош таълим йўналишлари;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

ТАҚИ қабул комиссияси манзилини кўрсатиш.

3. Иш вақтлари ва муурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба-шанба куни соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ га қадар.

3.2. Кутиш шартлари.

1-3 иш куни.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

Қуйидаги ҳужжатлар тўлдирилган махсус ариза шаклига электрон (сканерланган) шаклда илова қилинади:

- бакалавр дипломи (“Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” тизими билан интеграция таъминланганда дипломнинг серияси ва рақами киритилади);
 - чоп этилган илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлари, мавжуд бўлса);
 - 3,5x4,5 ҳажмдаги рангли фотосурат;
 - 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома (Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими билан интеграция таъминланганда маълумотнома рақами киритилади);
 - жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ);
 - ЭРИ (электрон рақамли имзо).
- (қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
 2. “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура)” хизмати танланади.
 3. Ариза шакли тўлдирилади.
 4. Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланади, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.
- (қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин)

4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни.

Мурожаат келиб тушгандан сўнг ТАҚИ масъул ходими:

- абитуриент маълумотларининг тўғрилигини текширади;
- хужжатларни қабул комиссиясига топширади.

4.5. Рад этиш сабаблари.

Ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим этилиши.

5. Хизмат кўрсатиш сифати.

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби.


Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент архитектура

қурилиш институти

Масъул котиб


Ш.Рейимбаев
А.Абдухаликов
“ 22 ” “ ” 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент архитектура

қурилиш институти

Ахборот технологиялари

маркази бошлиғи


Э.Умматов
“ 22 ” “ ” 2017 й.